Электр таъминотининг шартномасига
5-илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича**
**ҲИСОБОТ**

20___ йил _____________ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «___» __________ 20 ____ йил.

| Улаган жой номи, ҳисобга олиш прибориянинг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив) | Ҳисоб-китоб коэффициенти | | | Ҳисобга олиш прибори кўрсатгичлари | | Ҳисобга олиш прибори курсаткичларининг фарқи | Сарф кВт.с., кВАр.с. | Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с. | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ток трансфор-матори-нинг (ТТ) | кучла-ниш транс-форма-торининг (КТ) | уму-мий | бошлан-гич | охирги | | | Эрта-лабки тигиз вакт | Кун | Кечки тигиз вакт | Тун | |
| | | | | | | | | соат 6-9 | соат 9-17 | соат 17-22 | соат 22-24 | соат 0-6 |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| Жами | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ: гр 7= гр 6 - гр 5, табақалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13
гр 8 = гр 7*гр 4

**Истеъмолчи раҳбари**

___________________
Ф.И.Ш.имзоси

М.Ў.

**Корхона энергетиги**

___________________
Ф. И. Ш.имзоси

**МИБ вакили**

___________________
Ф.И.Ш.имзоси



3.10. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Корхона энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Бюро ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибида ёзиб олгандан кейин, Корхона амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.11. Бюро истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниқлаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш асбоблари (маиший истеъмолчилардан ташқари) кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш асбобларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонаси ва Бюрога белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил.электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

ЭҲНАТнинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш асбобларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

Худудий электр тармоқлари корхоналари истеъмолчиларнинг шахсий хисоб-рақам ва хисобга олиш асбобларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик килиш тизимига реал вакт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилинган энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Истеъмолчининг энергия ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

Ҳисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун истеъмолчига тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня ҳисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарорига асосан)

3.13. Истеъмолчи ва Корхона ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

Агар "истеъмолчи" солиштирма далолатномасини имзолашдан бош тортса, Энергия таъминоти корхонаси карзни ундириш учун шартномавий хажмдан келиб чиккан холда